



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 16 декабрь, № 268 (8048)

Пайшанба

Сайтимиға Утиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан 16 — 18 декабрь кунлари давлат ташрифи билан Жанубий Кореяда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашув ва музокараларда Ўзбекистон — Корея дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш йўллари кўриб чиқилади.

Энг аввало, “ашил иқтисодиёт”, рақамлаштириш, инновациялар ва юқори технологиялар, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорлик

бўйича дастур ва лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, Президентимиз Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси раҳбарияти, ушбу мамлакатнинг энг йирик компания ва банк-молия институтлари вакиллари билан учрашади.

Ташриф якунида икки томонлама салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланиши кўзда тутилган.

Ў.А.

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК — АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи Тошкент ва Сеулда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муҳим воқеаси сифатида қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея миллий манфаатларига, иқтисодий тараққиётга, жаҳондаги нуфузининг юксалишига хизмат қилаётган алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилган алоқалар, аввало, Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин ўртасидаги дўстлик ва мустаҳкам ишонч негизда тараққий этмоқда.

Бу, ўз навбатида, икки мамлакат раҳбарлари ўзаро муносабатларини янада юқори босқичга кўтариш учун янги имкониятлардан фойдаланиш, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик салоҳиятини барча соҳада тўла юзга чиқариш борасида мунтазам фикр алмашиб келаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлиги турли соҳаларга оид 180 дан ортиқ шартнома ва битимлар негизда изчил тараққий этиб бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 — 25 ноябрь кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарган эди. Мазкур тарихий ташриф кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди. Ташриф доирасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 20 дан ортиқ битимлар, шунингдек, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган 64 та ҳужжат имзоланди.



Ўзбекистон Республикасининг КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ Фавқулодда ҳолат тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади

Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларига фавқулодда ҳолатни жорий этиш шартлари ва тартибидан белгиланган иборат.

2-модда. Фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қонунчилик

Фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қонунчилик ушбу Конституциявий Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Конституциявий Қонунда қуйдаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қомандантлик соати – сутканинг махсус берилган рухсатномаларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз кўчаларда ҳамда бошқа жамоат жойларида ёҳуд турар жойдан ташқарида бўлишга таъқиқ белгиланган вақт;

фавқулодда ҳолат – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқларига нисбатан ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган айрим чекловлар белгилашга йўл қўядиган ҳамда уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юқлайдиган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида вақтинча жорий қилинадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг алоҳида ҳуқуқий режими;

(Давоми 2, 3-бетларда).



ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ

тараққиёт «драйвер»ига айлантирилади

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Мазкур тармоқнинг юртимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ҳамда сифатини ошириш бўйича ўз ечимини қутаётган муаммоли масалалар босқичма-босқич ҳал қилинаётир.

Ушбу йўналишларда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг гоҳ ҳамда ташаббусларини рағбатлантириш механизми ҳам йўлга қўйилдики, бу ўз самарасини беряпти. Албатта, замон шиддатига мос равишда қадам ташлаб ишлаш даври келган. Акс ҳолда тараққиётдан ортда қолиш ҳеч гап эмас.

Қуни кеча давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оши-

рилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда соҳа ривожига оид қабул қилинган қарорлар ижроси, умуман, бу борада эришилган ютуқлар билан бирга, жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси пастлигича қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, хизматлар соҳасини кенг ривожлантириш, фойдаланилмаётган имкониятларни

ишга солиш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борада ҳар бир ҳудудга алоҳида ёндашув зарурлигини таъкидлаб, аниқ мисоллар келтирди. Туман ва шаҳарларнинг аҳоли сони, географик жойлашуви, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, аниқ йўналишлар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида кўтарилган муҳим масалалар бўйича мутасаддилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ТАРМОҚДА КЛАСТЕР ВА КООПЕРАЦИЯ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва сотиш (экспорт қилиш) жараёнларини ўзаро интеграция қилиш, кластерлар (кооперация) фаолиятини ривожлантириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажминини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра **2022 йил 1 январдан бошлаб** Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали қуйидагиларга:

а) фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга — мева, узум, сабзавот, қортошқа, полиз экинлари, қўқатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш учун ҳосил қийматининг **50 фоизига**ча йиллик **14 фоиз** (шундан **2 фоизи**

банк маржаси) ставкада **6 ойлик** имтиёзли давр билан **12 ой** муддатга кредитлар ажратилади;

б) мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга — етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик **14 фоиз** (шундан **2 фоизи** банк маржаси) ставкада **12 ойлик** “револьвер” кредит ажратилади. Бунда ушбу кредит ҳисобидан кластер ва кооперацияларнинг тижорат банкларида олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмайд.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Жамғармага **2 триллион** сўм бюджет сусудаси ажратилади.

(Давоми 4-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси биринчи иш куни тўғрисида АХБОРОТ



15 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис “O‘zbekiston” ва “O‘zReport” телеканаллари, Олий Мажлис Сенати расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жонли эфирда узатилди.

Дастлаб сенаторлар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил 9 ойдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи эштилди.

Бюджет ижросини таъминлашда асосий эътибор иқтисодий барқарорликни сақлаш, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилинган Ўзбе-

кистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорларидаги вазифаларга қаратилган.

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуннинг 9 ойдаги ижроси белгиланган параметрлар доирасида таъминланган.

Ўз вақтида мувофиқлаштирилган фискал ва пул-кредит чоралари туфайли ҳисобот даврида республика иқтисодиёти 6,9 фоизга ўсган, ЯИМ ҳажми 519,8 триллион сўмни ташкил этган.

Иқтисодий ўсиш суръатлари sanoat-да 9,0 фоиз, қурилиш соҳасида 4,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик соҳаларида 4,2 фоиз ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида 7,6 фоиз бўлган. Иқтисодиётда ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида инфляция даражаси йил бошидан 5,9 фоизни ташкил этган.



Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни Фавкулودда ҳолат тўғрисида

◄(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фавкулодда ҳолат жорий этилаётган ҳудудларнинг чегаралари (бундан буён матнда фавкулодда ҳолат жорий этилаётган ҳудудлар деб юритилади) – Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ёхуд бир ёки бир неча маъмурий-ҳудудий бирликлари ёхуд уларнинг қисмини қамраб олувчи фавкулудда ҳолат режими амал қилиши доираси;

Фавкулудда ҳолат режими таъминлаш бўйича давлат комиссияси – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан фавкулудда ҳолат даврига тузиладиган вақтинчалик махсус давлат бошқаруви органи;

худуд коменданти – ҳудуд комендатураси фаолиятига раҳбарлик қилувчи ҳамда фавкулудда ҳолат режими таъминловчи кучлар ва воситаларнинг ягона бошқарувини амалга оширувчи мансабдор шахс;

худуд комендатураси – фавкулудда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавкулудда ҳолат режими таъминловчи кучлар ва воситаларни бошқариш учун ташкил этиладиган вақтинчалик махсус давлат бошқаруви органи.

4-модда. Фавкулудда ҳолатни жорий этиш мақсадлари

Фавкулудда ҳолатни жорий этиш мақсадлари уни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишдан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлиги ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

2-боб. Фавкулудда ҳолатни жорий этиш ҳоллари ва тартиби

5-модда. Фавкулудда ҳолатни жорий этиш ҳоллари

Фавкулудда ҳолат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаётига, соғлигига ва хавфсизлигига, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига ва (ёки) ҳудудий яхлитлигига бевосита таҳдид соладиган ҳамда фавкулудда чоралар қўлламасдан бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, алоҳида ҳолларда жорий этилади. Бундай ҳолатлар жумласига қуйдагилар киради:

реал ташқи хавф, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ва (ёки) ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга уринишлар, оммавий тартибсизликлар, террорчилик ҳаракатлари, шунингдек зўравонлик ҳаракатлари билан бир вақтда юз берадиган, фуқароларнинг ҳаётига, соғлигига ва хавфсизлигига, давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг қундалик фаолиятига бевосита таҳдид солувчи ўта муҳим ҳамда тоифаланган объектларни ёки айрим жойларни тўсиш ёки босиб олиш, қонунга хилоф қуролини тузилмаларни тайёрлаш (ташқил этиш) ва уларнинг фаолияти, миллатлараро, конфессиялараро ва чегаравий низолар; кенг қамровли авария-қутқарув ишлари ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар амалга оширилишини талаб этадиган йирик ҳалокатлар, табиий офатлар, эпидемиялар ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятга эга фавкулудда вазиятлар, фавкулудда экологик вазиятлар.

6-модда. Фавкулудда ҳолатни жорий этиш

Фавкулудда ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони дарҳол оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони уч сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига тасдиқлаш учун киритилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонида қуйдагилар белгиланади:
фавкулудда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;
фавкулудда ҳолатни жорий этиш заруратининг асоси;
фавкулудда ҳолат жорий этилаётган ҳудуднинг чегаралари;
фавкулудда ҳолат режими таъминлайдиган кучлар ва воситалар;
фавкулудда чоралар рўйхати ва уларни қўллаш чегаралари, вақтинчалик чекловларнинг қатъий рўйхати;
фавкулудда ҳолат шaroитларида қўлланиладиган фавкулудда чораларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органилари, уларнинг мансабдор шахслари;
фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш даврида ташкил этиладиган махсус давлат бошқаруви органилари ва уларнинг ваколатлари;
фармон кучга кирадиган сана ва вақт, шунингдек фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш муддати.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони эълон қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўтказиладиган жойга дарҳол, махсус қақирувсиз етиб келиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш ҳақидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккала палатаси қўмиталарида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сиёсий фракциялар фракциялари томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилинмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ушбу фармонни тасдиқлаш ҳақидаги масалани қўриб чиқади ҳамда қўшма қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш масаласига доир қўшма қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тасдиқланмаган фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан ўз кучини йўқотади. Бу ҳақда аҳоли фавкулудда ҳолат жорий этилиши ҳақида қандай тартибда хабардор қилинган бўлса, худди шундай тартибда хабардор қилинади.

9-модда. Фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Фавкулудда ҳолат жорий этилганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фавкулудда

ҳолат амал қилишининг бутун даври мобайнида ўз ишини давом эттиради ва тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

10-модда. Фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш муддати

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида жорий этиладиган фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш муддати ўттиз суткадан, унинг айрим жойларида жорий этиладиган фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш муддати эса олтиш суткадан ошлиши мумкин эмас.

Агар фавкулудда ҳолатни жорий этиш мақсадларига эришилмаган бўлса, фавкулудда ҳолатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан яна бир муддатга узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда аҳоли фавкулудда ҳолат жорий этилиши ҳақида қандай тартибда хабардор қилинган бўлса, худди шундай тартибда хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолатнинг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги фармони ушбу Конституциявий Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тасдиқланади.

11-модда. Фавкулудда ҳолатнинг амал қилишини тугатиш

Агар фавкулудда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилса, фавкулудда ҳолатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тўлиқ ёки қисман, шу жумладан муддатидан илгари тугатилади. Бу ҳақда аҳоли фавкулудда ҳолат жорий этилиши ҳақида қандай тартибда хабардор қилинган бўлса, худди шундай тартибда хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги фармони ушбу Конституциявий Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тасдиқланади.

3-боб. Фавкулудда ҳолат шaroитларида қўлланиладиган фавкулудда чоралар ва вақтинчалик чекловлар

12-модда. Фавкулудда ҳолат жорий этилганда қўлланиладиган фавкулудда чоралар ва вақтинчалик чекловлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонида фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш даврида қуйдаги фавкулудда чоралар ва вақтинчалик чекловлар жорий этилиши назарда тутилиши мумкин:

фавкулудда ҳолат жорий этилган ҳудудда давлат бошқаруви органиларининг (улар таркибий бўлинмаларининг), маҳаллий давлат ҳокимияти органиларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органиларининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш;

фавкулудда ҳолат жорий этилган ҳудуд бўйлаб ҳаракатланиш эркинлигига нисбатан чекловлар, шунингдек мазкур ҳудудга кириш ва ундан чиқишнинг алоҳида режими, шу жумладан мазкур ҳудудга, зарур бўлганда эса Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши ҳамда ушбу ҳудудларда туришига нисбатан чекловлар;

жамоат тартибини, ўта муҳим ва тоифаланган объектларни ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятини ва транспортнинг ҳаракатланишини таъминловчи объектларни муҳофаза қилишни кучайтириш;

фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга, шу жумладан товарларни реализация қилишга, ишларни бажаришга ва хизматлар қўрсатишга нисбатан чекловлар;

озиқ-овқатни ва энг зарур нарсаларни сотиш, сотиб олиш ҳамда тақсимлашнинг алоҳида тартиби;

ййғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар, шунингдек бошқа оммавий тадбирлар ўтказилишини тақиқлаш ёки чеклаш;

транспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаш ва уларни қўздан кечирishни амалга ошириш;

хавфли ишлаб чиқаришлар ҳамда портловчи, радиоактив, шунингдек хавфли кимёвий ва биологик моддалардан фойдаланадиган ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб туриш;

фавкулудда ҳолатлар муносабати билан моддий ва маданий қимматликларнинг йўқ қилинишига, ўғирланишига ёки шикастланишига аниқ таҳдид мавжуд бўлган тақдирда, уларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш, кўчмас объектларга, шу жумладан моддий маданий мерос объектларига нисбатан эса уларни муҳофаза қилишга доир тегишли чоралар қўриш.

Фавкулудда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларга қараб, мазкур модданинг биринчи қисмида, шунингдек ушбу Конституциявий Қонуннинг 13 ва 14-моддаларида назарда тутилган фавкулудда чоралар ва вақтинчалик чекловларнинг бутун маъмуи ҳам, уларнинг айримлари ҳам жорий этилиши мумкин.

13-модда. Ушбу Конституциявий Қонун 5-моддасининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда жорий этилган фавкулудда ҳолат шaroитларида қўлланиладиган фавкулудда чоралар ва вақтинчалик чекловлар

Ушбу Конституциявий Қонун 5-моддасининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда фавкулудда ҳолат жорий этилган тақдирда, фавкулудда ҳолат жорий этилаётган ҳудудда ушбу Конституциявий Қонуннинг 12-моддасида кўрсатилган фавкулудда чораларга ва вақтинчалик чекловларга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони билан қуйдаги қўшимча фавкулудда чоралар ва вақтинчалик чекловлар назарда тутилиши мумкин:

комендантлик соатини жорий этиш;
ҳудудий мудофаа тадбирларини амалга ошириш;
оммавий ахборот воситалари фаолиятини чеклаш шартлари ва тартиби кўрсатилган ҳолда бундай фаолиятни чеклаш, шунингдек босма махсۇлотни, радиоэатувчи, овоз кучайтирувчи воситаларни, нусха қўпайтириш техникасини вақтинча олиб қўйиш ёки хатлаш, журналистлар аккредитациясини ўтказишнинг алоҳида тартибини белгилаш;

фавкулудда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишга монелик қилаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий қўқирғини, уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар текширувини, ашёларни, уй-жойни ва транспорт воситаларини қўздан кечирishни ўтказиш;

қуролини, унинг ўқ-дориларини, портловчи моддаларни, махсус воситаларни, захарли моддаларни реализация қилишни тақиқлаш, таркибида гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари ва препаратлар, этил спирти, алкоголь махсۇлотлари муомалада бўлишининг алоҳида режимини белгилаш. Алоҳида ҳолларда фуқаролардан қуролини ва ўқ-дориларни, ташкилотлардан қуролини ва унинг ўқ-дориларини, махсус воситалар ва захарли моддаларни, шунингдек жанговар ва ўқув-жанговар ҳарбий техникани, портловчи ва радиоактив моддаларни вақтинча олиб қўйиш;

фавкулудда ҳолат режимини бузётган ва фавкулудда ҳолат жорий этилган ҳудудда яшамайдиган шахсларни белгиланган тартибда ушбу ҳудуддан ташқарига ўз ҳисобидан чиқариб юбориш, уларда маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ҳаракатларнинг ўрнини кейинчалик суд тартибида ушбу шахслардан ундирган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чиқариб юбориш.

14-модда. Ушбу Конституциявий Қонун 5-моддасининг учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда жорий этилган фавкулудда ҳолат шaroитларида қўлланиладиган фавкулудда чоралар ва вақтинчалик чекловлар

Ушбу Конституциявий Қонун 5-моддасининг учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда фавкулудда ҳолат жорий этилган тақдирда, фавкулудда ҳолат жорий этилаётган ҳудудда ушбу Конституциявий Қонуннинг 12-моддасида кўрсатилган фавкулудда чораларга ва вақтинчалик чекловларга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони билан қуйдаги қўшимча фавкулудда чоралар ва вақтинчалик чекловлар назарда тутилиши мумкин:

аҳолини хавфсиз ҳудудларга вақтинча яшаб туриш учун стационар ёки кўча турар жойлар мажбурий равишда берилган ҳолда эвакуация қилиш;

карантин жорий этиш, санитария-эпидемияга қарши, ветеринария тадбирларини ва бошқа тадбирларни амалга ошириш;
давлат захираларини жалб этиш, мулкчилик шаклларидан ва ташқилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар, ташкилотларнинг ресурсларини сафарбар этиш, уларнинг иш режимини ўзгартириш, мазкур ташкилотларни фавкулудда ҳолат шaroитларида зарур бўлган махсۇлотларни ишлаб чиқаришга қайта иختисослаштириш ва ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини фавкулудда ҳолат шaroитларида зарур бўлган бошқача тарзда ўзгартириш;
авария-қутқарув ишларини ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ҳамда таъминлаш зарурати билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолларда мазкур ишларни амалга ошириш учун меҳнатга лаёқатли аҳолини, юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонunchлик талабларига мажбурий равишда риюя этган ҳолда жалб этиш.

15-модда. Сайловлар ва референдумлар ўтказишни чеклаш

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида жорий этилган фавкулудда ҳолат амал қилишининг бутун муддати давомида сайловлар ва референдумлар ўтказилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг айрим жойида жорий этилган фавкулудда ҳолат амал қилишининг бутун даври мобайнида ушбу жойда жойлашган халқ депутатлари Кенгашларига сайлов ва фуқаролар ййғинлари раислари (оқсokоллари) сайлови ўтказилмайди.

Фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш даврида давлат ҳокимиятининг тегишли вакилик органилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари ва мансабдор шахслар ваколатларининг муддати тугаган тақдирда уларнинг ваколатлари муддати, агар мазкур органлар ва шахсларнинг ваколатлари ушбу Конституциявий Қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб турилмаган бўлса, фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш даври тугагунига қадар узайтирилади.

16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш

Ўзбекистон Республикаси Президенти фавкулудда ҳолат жорий этилган ҳудудда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар буйруқлари ва қарорларининг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органилари қарорларининг амал қилишини ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавкулудда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонига зид бўлган тақдирда, фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш муддатига тўхтатиб туришга ҳақли.

4-боб. Фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш даврида ташкил этиладиган махсус давлат бошқаруви органилари

17-модда. Фавкулудда ҳолат режими таъминлаш бўйича махсус давлат бошқаруви органилари

Фавкулудда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишга оид масалаларни дарҳол хал этиш ва тадбирларни амалга ошириш максидида фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан фавкулудда ҳолат режими таъминлаш бўйича махсус давлат бошқаруви органилари ташкил этилиши мумкин бўлиб, улар жумласига қуйдагилар киради:

Фавкулудда ҳолат режими таъминлаш бўйича давлат комиссияси (бундан буён матнда Давлат комиссияси деб юритилади);

худуд комендатураси.

Икки ва ундан ортиқ ҳудудлар комендатураси ташкил этилган тақдирда, Давлат комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тузилади.

18-модда. Давлат комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари

Давлат комиссиясининг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат:

фавкулудда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;
фавкулудда ҳолат жорий этилган ҳудудни бошқариш бўйича тезкор тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш;

фавкулудда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар натижасида жабрланган фуқаролар вақтинча яшаш, шунингдек уларга зарур ёрдам кўрсатиш учун стационар ёки кўча турар жойларга вақтинча жойлаштирилишини ташкил этиш;

фавкулудда ҳолат жорий этилган ҳудудларда давлат бошқаруви органиларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органиларининг, бошқа ташкилотларнинг ҳамда ҳудудлар комендатураларининг фавкулудда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

фавкулудда ҳолатнинг амал қилиш даврида ўтказиладиган тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш.

Давлат комиссияси қуйдаги функцияларни амалга оширади:
давлат бошқаруви органиларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органиларининг, бошқа ташкилотларнинг ва ҳудудлар комендатураларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга доир тақлифларни ишлаб чиқади;

Давлат комиссиясининг зиммасига оқлатилган вазифаларни бажариш масалалари юзасидан давлат бошқаруви органиларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органиларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини ва ҳудудлар комендантларини аштиради;

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа ташкилотлардан ва ҳудудлар комендантларидан Давлат комиссиясининг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ҳамда маълумотларни сўраб олади;

давлат бошқаруви органилари, маҳаллий давлат ҳокимияти органилари, бошқа ташкилотлар ва ҳудудлар комендатуралари томонидан фавкулудда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишга доир тадбирларнинг бажарилишини назорат қилади;

таҳлилий, экспертга оид ва бошқа ишларни бажариш учун давлат бошқаруви органиларининг, маҳаллий ихро этувчи ҳокимият органиларининг ва бошқа ташкилотларининг мутахассисларини жалб этади;

ушбу Конституциявий Қонун 12-моддасининг биринчи қисмида, 13 ва 14-моддаларида кўрсатилган фавкулудда чоралар ва вақтинчалик чекловлар жорий этилишининг самарадорлигини қўриб чиқади.
Фавкулудда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб

хизмат қилган ҳолатлар тўлиқ ёки қисман бартараф этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентига фавкулудда чораларни ва вақтинчалик чекловларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёки фавкулудда ҳолатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида тегишли тақлифлар киритади.

Давлат комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига фавкулудда ҳолат режими таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли лойиҳаларини қўриб чиқиш учун киритади.

19-модда. Давлат комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш

Давлат комиссияси давлат бошқаруви органилари, маҳаллий давлат ҳокимияти органилари, бошқа ташкилотлар вакилларидан ва ҳудудлар комендантларидан иборат таркибда тузилади.

Давлат комиссиясининг таркиби ва Фавкулудда ҳолат режими таъминлаш бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Давлат комиссиясининг фаолияти раисдан, котибдан ва бошқа аъзолардан иборат таркибда амалга оширилади.

Давлат комиссиясининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдордир.

Давлат комиссияси аъзоларининг ва унинг ишини таъминлаш учун жалб этиладиган мутахассисларнинг иш ўринлари ҳамда асосий иш жойидаги иш ҳақи сақланиб қолади.

Давлат комиссиясининг мажлислиари заруратга қараб, у

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни

Фавқулодда ҳолат тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

22-модда. Фавқулодда ҳолат режимини таъминловчи кучлар ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштириш

Фавқулодда ҳолат режимини таъминловчи кучлар ва воситаларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун ҳудуд комендатураси таркибида ҳудуд коменданти томонидан тегишли давлат бошқаруви органларининг (улар таркибий бўлиnmаларининг) ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вакиллари орасидан тезкор штаб тузилади. Тезкор штабга ҳудуд коменданти раҳбарлик қилади.

23-модда. Фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туриш учун қўшимча кучлар ва воситаларни жалб этиш

Алоҳида ҳолларда, ушбу Конституциявий Қонуннинг 21-моддасида кўрсатилган кучлар ва воситаларга қўшимча равишда, фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кучлари ва воситалари жалб этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қуйидаги вазифаларни бажариш учун жалб этилади:

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудга кириш ва ундан чиқишининг алоҳида режимини сақлаб туриш;

аҳолининг ҳаёт фаолиятини ва транспортнинг ҳаракатланишини таъминловчи объектларни ҳамда одамларнинг ҳаёти ва соғлиги, шунингдек атроф-муҳит учун юқори хавф туғдирадиган объектларни муҳофаза қилиш;

курол, жанговар ва махсус техника қўлланилган ҳолда зўравонлик ҳаракатлари билан бирга ўз берадиган тўқнашувларда иштирок этаётган қарама-қарши курашгаётган тарафларни ажратиш;

қонунга ҳилоф қуролли тузилмалар фаолиятига чек қўйишда иштирок этиш;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг кучлари таркибида фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда, шунингдек одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишда иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи – бешинчи ҳатбошлирида кўрсатилган вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда, ушбу модда иккинчи қисмининг олтинчи ҳатбошисида назарда тутилган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда бажаради.

6-боб. Фавқулодда ҳолат шароитларида жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек мансабдор шахслар ҳуқуқларининг кафолатлари

24-модда. Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида жисмоний ва юридик шахслар мулкий ва ижтимоий ҳуқуқларининг кафолатлари

Ушбу Конституциявий Қонун 14-моддасининг бешинчи ҳатбошисига мувофиқ авария-қўтқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ҳамда таъминлаш учун жалб этилган шахслар меҳнатига меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўлаш кафолатланади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Банд бўлмаган аҳоли орасидан авария-қўтқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ҳамда таъминлаш учун жалб этилган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар натижасида ёки бундай ҳолатларни йўқ қилиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чоралар қўлланилиши муносабати билан жабрланган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган шартлар асосида ва тартибда турар жойлар бериладди, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланади, ишга жойлашишда кўмак берилади ва зарур ёрдам кўрсатилади.

Ушбу Конституциявий Қонун 14-моддасининг тўртинчи ва бешинчи ҳатбошиларида назарда тутилган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар оқибатида зарар кўрган шахсларга

ушбу зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қопланади.

25-модда. Фавқулодда ҳолатни таъминлашда (сақлаб туришда) иштирок этган шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар ва компенсациялар

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳамда Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчиларига, шунингдек фавқулодда ҳолат режимини таъминлашда (сақлаб туришда) иштирок этган бошқа шахсларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган қўшимча кафолатлар ва компенсациялар татбиқ этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби, шунингдек мазкур шахсларга нисбатан қўшимча кафолатлар ва компенсациялар қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

26-модда. Фавқулодда ҳолат шароитларида фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловларни қўллаш чегаралари

Фавқулодда ҳолат шароитларида қўлланиладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳуқуқ ва эркинликларининг, шунингдек юридик шахслар ҳуқуқларининг алоҳида чекловлари белгиланишига сабаб бўладиган ҳамда уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклатадиган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар қонунга мувофиқ вужудга келган фавқулодда ҳолат талаб этадиган чегаралар доирасида амалга оширилиши керак.

Фавқулодда ҳолат шароитларида қўлланиладиган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларига зид бўлмаслиги керак. Фавқулодда ҳолатнинг жорий этилиши инсон ва фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24, 25, 26-моддаларида, 27-моддасининг биринчи қисмида, 30, 31 ва 44-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш учун асос бўла олмайди.

Ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар қатъийдир, улар кенгайтириб талқин этилмайди ва бошқа чекловлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

27-модда. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни, жанговар ва махсус техникани ҳамда ўқотар қуролни қўллаш шартлари ва чегаралари

Жисмоний куч ишлатишнинг, махсус воситаларни, жанговар ва махсус техникани ҳамда ўқотар қуролни қўллашнинг қонунларда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шартлари ва чегаралари фавқулодда ҳолат шароитларида ўзгартирилмайди.

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлашга (сақлаб туришга) жалб этилган шахсларнинг ўз ваколатлари доирасидан чиқиши, шунингдек қонунга ҳилоф равишда куч ишлатиши, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаши қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

28-модда. Комендантлик соати қоидаларини бузган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби

Комендантлик соати қоидаларини бузган шахслар комендантлик соати тугагунига қадар ушлаб турилади, ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган (ўз шахси ҳақидаги маълумотларни яшираётган) шахслар эса ички ишлар органи бошлигининг қарорига кўра қўли билан йиғирма тўрт соат муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Ушлаб турилган шахслар, уларнинг ёнида бўлган нарсалар ва ҳужжатлар, шунингдек уларнинг транспорт воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечирилиши мумкин.

Ички ишлар органи бошлигининг маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Ички ишлар органи бошлигининг комендантлик соати қоидаларини бузган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб

туриш тўғрисидаги қарорининг қонунийлиги ва ушлаб турилган шахсларни сақлаш тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш прокурор томонидан амалга оширилади.

Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг хавфли юқумли касалликлари юзага келиши ҳамда тарқалиши хавфи туфайли чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган тақдирда, фавқулодда ҳолат режимини бузган, мазкур жойда яшамайдиган ҳамда ушбу жойдан ташқарига чиқариб юборилиши лозим бўлган фуқаролар шу шахслар учун белгиланган тиббий кузатув муддати тугагунига қадар умумий асосларда ушлаб турилади.

29-модда. Фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини тугатишнинг ҳуқуқий оқибатлари

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш мақсадида қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқларини вақтинча чеклаш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳудуд комендантнинг буйруқлари ва фармойишларининг амал қилиши фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши тугатилиши билан бир вақтда тугатилади.

Фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини тугатиш фавқулодда ҳолат режимини бузиш тўғрисидаги маъмурий ишни юритишнинг тугатилишига ва маъмурий йўл билан ушлаб турилган шахсларнинг ёки мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун ўзига нисбатан маъмурий қамоққа олиш тарзидаги маъмурий жазо қўлланилган шахсларнинг дарҳол озод этилишига сабаб бўлади.

30-модда. Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда одил судловни амалга ошириш

Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Мазкур ҳудудда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ташкил этилган барча судлар фаолият кўрсатади.

Фавқулодда судларнинг бирор-бир шаклини ёки турини яратишга, ҳудди шунингдек тезлаштирилган ёки фавқулодда суд ишларини юритишнинг ҳар қандай шакллари ва турларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фаолият кўрсатаётган судлар томонидан одил судловни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда, судларда қўриб қилинадиган ишларнинг судловга тегишлилиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарорига кўра ўзгартирилиши мумкин.

7-боб. Яқунловчи қондалар

31-модда. Фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этишга доир ишларни молиялаштириш

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этишга доир ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида Давлат комиссиясига ва (ёки) ҳудуд комендантига ҳаёк кечириш учун зарур бўлган ва ижтимоий соҳа объектларини, уй-жой фондини тиклашга, фуқароларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга, фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда жойлашган тегишли ташкилотларга компенсациялар тўлашга йўналтирилаётган маблағларни белгиланган тартибда тасарруф этиш вазифалари топширилиши мумкин.

32-модда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини фавқулодда ҳолатни жорий этиш ва унинг амал қилиш даврини тугатиш тўғрисида хабардор қилиш

Ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқ фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва сиёсий

ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдан (Нью-Йорк, 1966 йил 16 декабрь) келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш ҳақидаги қўшма қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч кунлик муддатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибини мазкур халқаро шартномада назарда тутилган инсоннинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ҳажми ҳамда фавқулодда ҳолатни жорий этиш шартлари тўғрисида хабардор қилади.

Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши узайтирилган тақдирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби фавқулодда ҳолат жорий этилиши ҳақида қандай тартибда хабардор қилинган бўлса, ҳудди шундай тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибини фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши тугатишганилиги ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари қоидаларининг амал қилиши тўлиқ ҳажмда тикланганлиги тўғрисида хабардор қилади.

33-модда. Чегарадош давлатларни фавқулодда ҳолат жорий этилганлиги тўғрисида хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикасининг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш ҳақидаги қўшма қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 24 соат ичида чегарадош давлатларни фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилади.

34-модда. Халқаро инсонпарварлик ёрдами

Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда халқаро инсонпарварлик ёрдами Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

35-модда. Фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қонунчиликни бузганикда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

36-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

37-модда. Қонунчиликни ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

38-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Конституциявий Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 15 декабрь № ЎРҚ—737	

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК — АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

120px|left|2019 йил апрель ойида эса

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Ушбу ташриф натижасида икки мамлакат компания ва ташкилотлари ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш, товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш мақсадида умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд бўлган битми ва келишувларга эришилди. Энг муҳими, Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолади.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Жанубий Кореянинг глобал хавфсизлигини таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга бўлган Корея яримороллидаги ўзаро ҳамжihatликни мустахкамлашга йўналтирилган тинчлик узеаров сийсатини маъқуллади.

Ўз навбатида, Сеул ҳам 2018 йил БМТ Бош Ассамблеяси доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган иккита ҳужжат, яъни “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустахкамлаш” ҳамда “Маърифат ва диний баргикенглик” резолюцияларини ҳамда 2021 — 2023 йиллар давомида Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига номзодини қўлаб-қувватлади.

Жанубий Корея Ўзбекистон ташқи савдосида юқори улушга эга бўлган давлатлардан биридир. Хусусан, 1992 йилда имзоланган савдо битимига мувофиқ мамлакатлар ўртасида энг қулай режим ўрнатилган. Йилдан-йилга ўсиб бораётган савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкам пой­

деворга ағалиги билан ажралиб туради. 2020 йил якуни бўйича икки томонлама савдо айланмаси 2 миллиард 140 миллион доллардан ошди. 2021 йилнинг январь — октябрь ойларида бу кўрсаткич қарийб 1,53 миллиард долларни ташкил қилди.

Томонлар инвестициявий ҳамкорлик бўйича ҳам улкан ютуқларга эришиб кел­моқда. Хусусан, 1992 — 2021 йиллар мо­байнида Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард дол­лардан ошди. Ушбу мамлакат сармо­яла­ри иштирокидаги корхоналар сон­и эса 900 дан ошиб, улардан 550 га яқини ўз фои­з хор­иж ка­пита­ли иштирок­ида шак­лан­тирилган. Ушбу корхоналарнинг фао­ли­я­ти, асосан, енгил саноат, озик-ов­кат, кимё, машинасозлик ва металл­иш­лов бериш, уй-жой коммунал хўжали­ги, соғ­лиқ­ни сақлаш, савдо, туризм ва хиз­мат кў­ра­тиш соҳаларига ихтисослаштирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий иқ­ти­со­диёт­ига Корея миллий нефть кор­по­ра­ция­си (KNOOC), Корея газ кор­по­ра­ция­си (KoGas), “Daewoo International”, “Korean Air”, “Shindong Enercom”, “Haintex”, “LG”, “HanShin Engineering&Construction”, “BOMI E&C”, “Myung Sung Placon” каби йирик компаниялар инвестиция қиритган.

Молия-техникавий кўмак соҳасида Жа­нубий Корея Эксимбанкнинг иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) йўналишидаги алоқалар ҳам эъти­борга молик. EDCF билан биргаликда

2014 — 2022 йилларда 727,5 миллион дол­лар­лик 9 та лойиҳа, 2021 — 2023 йиллар­да 1,1 миллиард долларлик 8 та лойиҳа таъ­лим, соғ­лиқ­ни сақлаш, фармацевтика, сув ва ис­сиқ­лик таъ­ми­но­ти, йўл қу­ри­ли­ши

каби йўналишларда амалга оширилади.

Фармацевтика кластери, Кимёвий тех­но­ло­гия­лар мар­ка­зи ва Ти­биёт кла­сте­ри ка­би лойиҳаларни ҳаётга тат­биқ этиш ре­жа­лаштирилган.

KOICA ёрдамида Ўзбекистонда қўйма-

ти 130 миллион долларга тенг бўлган 32 та лойиҳа амалга оширилди ва Жанубий Кореяда Ўзбек мутахассислари учун 2 минг­дан ортиқ амалиёт курслари ташкил этил­ди. 70 дан ортиқ экспертлар ва KOICA­нинг 500 дан ортиқ кўнгиллилари Ўзбекистон­да таълим, ахборот-коммуникация техно­ло­гия­лари, спорт, соғ­лиқ­ни сақлаш каби йўна­лишларда ўз фаолиятини амалга оширди.

KOICA билан техник ҳамкорлик дои­ра­си­да 2021 йилда Ўзбекистонда малака оши­риш, бизнес-инкубаторлар яратиш, ти­биёт ва тадбиркорликни ривожланти­риш йўналишларида умумий қиймати 36,9 миллион долларлик 5 та янги грант лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ҳамкорликнинг янги йўна­ли­ши си­фа­ти­да Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея ўртасидаги ташқи савдо айланмасининг номутаносиблигини тенг­ла­штириш ҳамда экспорт-импорт опе­ра­ция­лари но­мен­кла­ту­ра­си­ни диверсификация қилиш мақса­ди­да икки дав­лат ўртасида Эркин савдо тўғрисида битим им­зо­ла­ни­ши бўйича музокара­лар олиб бори­лмоқ­да.

Бундан ташқари, Жанубий Корея Ўзе­бекистон Республикасини Жаҳон савдо та­ш­ки­лотига аъзо бўлишда қўмақлашмоқда.

Икки мамлакат муносабатларида пар­ла­мен­тар­ларо алоқалар ҳам муҳим ўрин ту­та­ди. Ўтган давр мобайнида парла­мен­тар­ли­ми­з тахрибисини Ўзаро ўрганиш, би­р­галик­да халқаро кон­фе­рен­си­я­лар ўтказиш, му­н­та­за­м ра­виш­да деле­га­ция­лар ал­ма­ш­и­ну­ви­ни йўлга қўйиш бо­раси­да амалий ишлар қилинди.

Хусусан, 2017 йил сентябрь ойида Ко­ре­я Республикаси Миллий Ассамблеяси­нинг ўша вақтдаги Спикери Чон Сэ Гюн бошчилигидаги делегация мамлакатимиз­да бўлган эди. 2018 йилда Қонунчилик па­ла­таси Спикери Нуриддинжон Исмоилов бошчилигидаги Олий Мажлис қўйи па­ла­та­си делегацияси, 2019 йил Олий Мажлис Сенати Раиси Танзилла Норбоева расмий ташриф билан Корея Республикасида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИМЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-қУВВАТЛАШ, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Молия вазирлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан келгуси йиллар ҳосилини молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларнинг Жамғармага ажратиб борилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, **2022 йил 1 мартдан** бошлаб:

а) мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер ҳўжаликларига — экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот **ҳосилини хавф-хатардан сугурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган** сугурта муфотининг **50 фоизи**, бироқ сугурта пулининг **1 фоиздан** ортиқ бўлмаган қисми қўллаб берилади. Бунда, сугурта пули хавф-хатардан сугурта қилинаётган ҳосил қийматининг **70 фоизидан** кам бўлиши мумкин эмас;

б) мева-сабзавотчилик кластерларига (кооперацияларга) — хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг **50 фоизи**, бироқ бир ойга **1 нафар** мутахассис учун **1 минг АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган қисми Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари орқали компенсация қилинади. Бунда, мева-сабзавотчилик кластерларига ўзига бириктирилган махсулот етиштирувчилар учун бог ва тоқзорларни барпо этиш, сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва моили экинларни етиштириш бўйича семинар-тренинглр ўтказиш тавсия этилади; **в)** мазкур бандда кўзда тутилган компенсация харажатлари Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг бююртмаси асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

4. Мазкур қарорнинг 1 ва 3-бандларида назарда тутилган преференция ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини етиштирувчи, уларни харид қилувчи ташкилот ҳамда тижорат банки ўртасида тузилган шартномаларга эга бўлган, шунингдек, ушбу шартномаларни Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади.

Давлат солиқ кўмитаси (Ш.Д.Кудбиев) мазкур бандда назарда тутилган шартномаларни Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказиш учун **2022 йил 1 февралга қадар** техник имкониятларни яратсин.

5. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Жаҳон банкининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида жалб этилган **65 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлари ҳисобидан кичик агрологистика марказларини барпо этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда** ҳусусий секторни жалб қилган ҳолда кичик агрологистика марказларини барпо этиш тартибини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Ш.А.Вафаев), Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норкулов), Энергетика вазирлиги (А.С.Султонов), Уй-жой коммунал хўжалиқ кўрсатиш вазирлиги

(Ш.С.Ҳидоятов), Транспорт вазирлиги (И.Р.Махмамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда: **икки ой мuddатда** мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар), қайта ишлаш корхоналари ва агрологистика марказлари учун зарур бўлган ташки муҳандислик (электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, автомобиль йўллари) тармоқларини таъмирлаш ва қуриш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

ташки муҳандислик тармоқларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш учун Осиё тараққиёт банкидан **100 миллион АҚШ доллари**гача бўлган қарз маблағларини 2022 йил якунига қадар жалб қилиш чораларини кўрсин. 7. Қўйадиғлар: Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этишнинг ҳамда кластерлар томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг ойлар бўйича тақсимоий протгнз кўрсаткичлари **1-илова**га мувофиқ;

2022 йилда амалга ошириладиган совитқилии сифимлар ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати **2-илова**га мувофиқ тасдиқлансин. 8. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик):

Агентликка сабзавот, картошка, гул, полиз экинлари, қўкатлар ва доривор ўсимлиқлар, дуккакли ва моили экинларни етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш билан шугулланувчи, шунингдек, “даладан — растагача” тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини яратувчи мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) фаолиятига кўмаклашиш вазифаларини юклаш;

Агентлиكنинг юридик шахс макюмига эга бўлмаган, ходимлар умумий чекланган сони **4 — 6 нафар** штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимларини ҳамда ходимлар умумий чекланган сони **2-3 нафар** штат бирлигидан иборат туманлар (Қувасой шаҳар) мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офисларини (кейинги ўринларда — **лоийҳа офислари**) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқулансин.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлигининг ходимлар умумий чекланган сони **32 штат бирлигидан** иборат тузилмаси **3-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

9. Агентлиكنинг Қорақалпоғистон Республкаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа офисларига: иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосил берадиган боғларни (узумзорларни) аниқлаш, уларнинг ўрнида интенсив боғлар (узумзорлар) барпо этиш ёки уларни қайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича тақлифлар тайёрлаш; интенсив бог ва тоқзорлар барпо этишга яроқли ер участкаларини танлаш ва очиқ танловга чиқаришга амалий жиҳатдан кўмаклашиш; ажратилаётган кредитлар доирасида тижорат банклари билан

биргаликда мева-сабзавотчилик йўналишидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш; мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, қўкатлар ва доривор ўсимлиқлар, дуккакли ва моили экинларни етиштириш, уларни сақлаш, саралаш, қайта ишлаш ва экспортини ташкил этишга кўмаклашиш вазифалари юклатилисин. Агентлиكنинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа офисларига қишлоқ ҳўжалиги соҳаси бўйича жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилсин. 10. Белгилансинки: Агентлик марказий аппарати учун талаб этиладиган қўшимча штат бирикляри, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа офисларининг штат бирикляри Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бириклярини қисқартириш ҳисобига ташкил этилади;

Агентлик, унинг ҳудудий бўлимлари ва лойиҳа офисларининг ходимларига тегишинча Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларига ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Агентлик директорига Агентлиكنинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимларига шартнома асосида мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин. 11. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази билан биргаликда **икки ой мuddатда** қишлоқ ҳўжалигида инновацион биомахсулотларни синовдан ўтказиш хизматлари тизимини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

12. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **уч ой мuddатда**:

мева-сабзавотчилик **туманларини қайта кўриб чиқиб**, ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароити ва иختисослашувини ҳисобга олган ҳолда, мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперация) фаолиятини барқарор ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни; **ишлаб чиқарувчи — кластер — тайёрловчи корхона — қайта ишловчи ва экспортёрни** узвий боғловчи тизимни жорий қилиш бўйича **чора-тадбирлар дастурини** ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Агентлик (Х.М.Каримов), Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривохлантириш агентлиги (Р.М.Бобоев) **уч ой мuddатда**: халқаро молия институтлари, Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти тизимида **Республика боғбонлар мактаби** фаолиятини ривожлантирсин;

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ТАРАҚҚИЁТ «ДРАЙВЕР»ИГА айлантирилади

◀1

Натижани ижобий томонга ўзгартирамиз

Фарход ЭРМАНОВ,
Хоразм вилояти ҳокими:

— Видеоселектор йиғилишида, асосан, хизмат-лар соҳасини ривожлантириш, қолаверса, бугунги кунда тармоқда фаолият олиб бораётган тадбир-корлик субъектларига имтиёзлар яратиш ҳамда аҳоли жон бошига ҳар бир йил ҳали якунига етмади. Шунн ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилсак, бу на-тижани ижобий томонга ўзгартиришимиз мумкин.

Шунингдек, маълумида давлатимиз раҳбари то-монидан вилотимизда хизмат кўрсатиш соҳасида 2022 йилда 45 мингдан ортиқ иш ўринларини яратиш, шу орқали аҳолига хизматлар ҳажминн 13 триллион сўмга етказиш борасида ҳам алоҳида топшириқлар берилди. Албатта, бунинг учун ҳамма имкониятларимиз мавжуд.

Ўз навбатида, ҳудудлардаги ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг белгилба берилаётган вазифаларни сўзсиз адо этишда масъулиятини ошириш ва амалий қўллаб-қувват-лаш бўйича ҳам тегишли топшириқлар берилди. Айтиш жоизки, вилотимиздаги 526 та маҳалла-га 1200 дан ортиқ талабгорлар орасида 526 на-фар ҳоким ёрдамчиси танлаб олиниб, фаолияти йўлга қўйилган.

Фаолиятимиз давомида йиғилишда берилган ва-зифалар ижросини таъминлаб, аҳолига хизматлар кўрсатиш сифатини янада ошириш ва қўламини кенгайтириш, шу орқали фуқаролар бандлигини таъ-минлашга алоҳида уруғ берамиз.

Вилотимизда 4 та йирик савдо мажмуаси ташкил этилади

Тўра БОБОЛОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими:

— Бугунги кунда Сурхондарё вилотида йиғир-мага яқин йўналишдаги хизматлар кўрсатили-шини инобат оладиган бўлсак, бунда 16 минг 200 та хизмат кўрсатиш шохобчаси етишмайди. Агар ана шу муаммони бартараф этсак, салкам 20 минг нафар фуқарони иш билан таъминлаш имконияти яратилади.

Шу мақсадда вилотимизда 4 та йирик савдо мажмуаси ташкил этилади. Бунда қарийб 11 минг нафар киши ишли бўлади. Бундан ташқари, 8 та туманимизда йирик кўнгилочар масканлар фаолия-ти йўлга қўйилиш ҳам яна минглаб одамларимиз бандлигида қўл келади.

Туристлар оқими аввалги йилларга қараганда кўпайган — Бойсун тумани, Сарюсиё тумани, Тер-миз шаҳрида соҳа бўйича аниқ маршрутлар ишлаб чиқиш, йўл инфратузилмасини, интернет алоқала-

рини яхшилаш бўйича ҳам видеоселектор йиғилиш-ида аниқ топшириқлар берилди.

Уларнинг ижроси, амалга оширилиши белгилан-ган ишларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Муаммолар ҳам, уларнинг ечими ҳам аниқ кўрсатиб берилди

Муротжон АЗИМОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокими
вазифасини бажарувчи:

— Видеоселектор йиғилишида Президентимиз хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали нати-жадорликка эришишнинг аниқ механизмларини бел-гилаб берди.

Хусусан, бир ой мuddатда янгича ёндашув асо-сида ҳар бир туман ҳамда шаҳар кесимида алоҳи-да дастур ишлаб чиқиш, 163 қишлоқ туманлари аҳоли сони, зичлиги, уларнинг иختисослашуви, гео-график жойлашуви, инфратузилмаси, иктисодий са-лоҳиятидан келиб чиқиб, тоифаларга ажратиш ва-зифаси ҳам юкланди.

Президентимиз туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларга ўхшатиб, бу борада хонадонларда меҳмон ўйлари-ни йўлга қўйиш, бунинг учун ўқув марказларини ташкил қилиш зарурлигини қайд этди. Ушбу йўна-лишларга имтиёзли кредит, субсидиялар ҳамда бошқа қўшимча енгилликлар пакети жорий этила-диган бўлди. Меҳмон ўйларини йўлга қўйиш ва таъмирлаш учун эса тегишли дастурлар доирасида имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳам белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари Қамашн ва Шаҳрисабз туманларида туризм салоҳиятини ривожлантиришнинг имконияти катта эканини таъ-кидлаб, аввало, йўл инфратузилмасини ривож-лантириш ҳамда шу орқали юз минглаб сайёҳлар-ни жалб қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, Биргина Шаҳрисабз туманининг Мираки қўрғонида ёки Оқдарё, Ҳисор, Наврўз ҳудудларига йилга 500 минг сайёёх таширф бўуради. Лекин уларнинг мароқли дам олишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратилмаган. Бу масканларда йўл ма-саласи оғирлиги, мобиль алоқа ва интернет сифа-ти пастлиги ёҳуд айрим ҳудудларда умуман ишла-маслиги, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш шо-ҳобчалари йўналиши яхши ривожланмагани айтиб ўтилди. Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун 60 мил-лиард сўм маблағ ажратиш ҳамда 65 километр йўлни таъмирлаш ва интернет-алоқа хизматини 3-4 баробарга яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қамашн туманида жаҳонда ноёб бўлган Майда-нак обсерваторияси ҳамда XIV асрга тегишли бўлган Лонгар ота масжиди бутун дунёга машҳур. Бироқ ушбу объектларга олиб борадиган 38 километрлик йўл таъмирталаб аҳволда.

Йиғилишда ушбу йўл бугунги кун талабига жа-воб бермаслиги ҳам қайд этилиб, мазкур масала-ни ҳал қилиш ва сайёҳларга қўлай шарт-шароит-лар яратиш мақсадида 40 миллиард сўм маблағ ажратилиши айтилди. Саноати ривожланган Ғузор,

Муборак, Косон туманларида савдо, умумий ов-қатланиш, логистика, меҳмонхона, техник хизмат кўрсатиш ҳамда кўнгилочар масканлар барпо этиш ишларига ҳам устувор аҳамият бериладиган бўлди.

Аниқ ва тизимли равишда белгиллаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, бир ой ичида келгуси йилда амалга ошириладиган ишлар, шунингдек, ин-вестиция лойиҳалари бўйича ўз режамизни ишлаб чиқиб, ижросига алоҳида эътибор қаратамиз. Зеро, мавжуд муаммолар очик айтилди, уларнинг ечими ҳам аниқ кўрсатиб берилди. Бу бизнинг фаолияти-мизда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Келгусида «медицина кластери» яратилади

Фуркат ҲОШИМОВ,
Ядро тиббиёт маркази директори:

— Ҳар доимгидек давлатимиз раҳбари раислиги-да ўтказилган видеоселектор йиғилишида тиббиёт масаласига алоҳида эътибор берилди. Айтиш ке-ракки, охириги беш йилликда медицина соҳасига ҳу-сусий сектор жалб этилди, солиқ, божхона имтиёз-лари жорий қилинди ҳамда бошқа барча шарт-ша-роит яратилди.

Янги ускуналарда энг замонавий ва инновацион ускуллар билан онкологик касалликларга тахшиш қўядиган Ядро тиббиёт марказимиз Урта Осиёда ягона. Марказимизда позитрон-эмиссия томогра-фия ўтказилади. Фаолиятимизни 2018 йилда 5 ки-шидан бошлаган эдик. Ҳозир эса ишчи-ҳодимла-римиз сони 53 нафарга етди. Ниманинг ҳисобига? Албатта, яратилган шароитлар, қаратилаётган эъти-бор тўғайли.

Яна бир гап. Президентимиз ташаббуси билан бизга қўшимча ер майдони ажратиб берилди. Ҳозирги кунда 12 қаватдан иборат бино қурилиш давом этмоқда. Бу ерда радиология, кардиология, эндокринология ва хирургия марказлари ташкил этилиб, “медицина кластери” яратилади. Яъни таш-хисдан тортиб, даволашгача бўлган жараённи қам-раб оламиз.

Эътиборлиси, бу бинода 4 та чизикли тезлаткич ҳамда 2 та брахитерапия ускунаси ҳам ўрнатилади. Бу ишлар тиббий туризмни ривожлантиришда ҳам қўл келади. Мазкур лойиҳамиз 2022 йилнинг учин-чи чорагида ишга туширилиши режалаштирилган. Буларнинг барчаси аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган.

Видеоселектор йиғилишидан кейин соҳамизга оид берилган топшириқлардан келиб чиқиб режа тузиб оляпмиз. Хусусан, хизмат кўрсатиш ишларини Тошкент шаҳридан ташқари ҳудудларро амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Кечиктириб бўлмас вазифалар белгилаб берилди

Нормат ТУРСУНОВ,
Навоий вилояти ҳокими
вазифасини бажарувчи:

— Президентимиз туризм соҳасида Навоий ви-лоятининг имкониятлари чексизлигини таъкидлаб, айнакса, Тўдақўл ҳудудида сайёҳлар учун қўлайлик яратиш мақсадида 90 гектар ер майдони ажратиш, Нурота туманида Сентоб туризм кишлогини таш-кил этиш ҳамда сайёёхлик ҳозибадорлигини оши-

халқаро молия институтлари ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтн қошида **Сабзавот, картошка, полиз, дуккакли экинлар, гул ҳамда доривор ўсимликларни интенсив усулда етиштириш мактабини** ташкил этсин.

14. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) икки ой мuddатда мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан сугурталаш хизматидан фойдаланганда сугурта мукофоти учун тўловнинг ҳамда хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисини жалб қилиш харажатларининг **50 фоизини** қўллаб бериш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. **Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ҳамда Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (А.Б.Воитов)**га: **уч ой мuddатда** республикада мева-сабзавот махсулотларини ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишга мўлжалланган логистика марказларини хорижий давлатлар тажрибаси асосида ташкил этиш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган **инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш манзилли дастурини** шакллантириш;

мева-сабзавот махсулотларини экспортга йўналтиришда зарур рухсатнома, сертификатлар ва божхона ҳўжжатларининг расмийлаштирилишга амалий ёрдам қўрсатиш вазифаси юклатилисин. 16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига **4-илова**га мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокмпаниясини, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мева-сабзавот махсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

18. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги:

икки ҳафта мuddатда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари, Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари (лоийҳа офислари)нинг тегишлилиги бўйича штат жадвалларини тасдиқлаб (ўзгартириб), ўрнатилган тартибда молия органларида рўйхатга қўйилишини таъминласин;

икки ой мuddатда қўнунчилик ҳўжжатлари мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаририш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ ҳўжалиги вазираи Ж.А.Ходжаев ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Х.М.Каримов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 15 декабрь	

лар натижадорлигини таъминлаш бўйича ўтказил-ган видеоселекторда хизмат соҳасини тараққиёт “драйвер”ига айлантириш, 2023 йилга қадар унинг ҳажминн икки баравар ошириш вазифаси қўйилди.

Айни вазифалар орасида Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида юқори даромадли хиз-матларни ривожлантириш бўйича махсус дастур қабул қилиниши алоҳида таъкидланди. Бу бизга берилган катта имконият ва биринчи навбатда, ма-ҳаллий ҳокимликлар ҳамда мазкур масалага дахл-дор мутасаддилар зиммасига катта масъулият юк-лайди, албатта.

Хизматлар тури ва миқёсининг ортиши аҳоли турмуш даражасини юксалтириши билан муҳим аҳамият касб этади. Бу борада изланса, ўрганса арзийдиган тажрибалар ҳар жойда топилади.

Масалан, шахримизда ҳар йили гуллар байрами ўтказилади. Жорий йилнинг май ойида халқаро фестивал сифатида ўн кун давом этган байрамга ўн миллиондан зиёд меҳмонлар таширф буурди. Улар кўнгилдагидек кутиб олиниб, қузатилгани хизмат кўрсатиш имкониятларимизнинг яна бир кўрғич бўлди.

Бундан ташқари, яқинда велосипед ва скутер-ларни ижарага бериш масаласи ишлаб чиқилди. Мактабгача таълим, рўзгор буюмлари ва озик-ов-қат махсулотлари етказишнинг йўлга қўйилгани ҳам барчага маъқул тушмоқда. Қолаверса, янги хизмат турларини жорий этиш баробарида, қўшимча меҳ-нат ўринлари юзага келаётди.

Хизматлар соҳаси даромадини ошириш бўйича ишлаб чиқариладиган дастур ушбу тармоқни амалда Наманган шаҳрининг “ўсим нўқталари”дан бирига айлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси биринчи иш куни тўғрисида АХБОРОТ

1 Хисобот даврида Давлат бюджетни даромадлари 116 триллион сўмга етиб, белгиланган прогноз 108,4 фоизга ёки 9,0 триллион сўмга ошириб бажарилган. Даромадлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 21,6 триллион сўмга кўпайган.

Давлат бюджетининг 2021 йил 9 ойлик харажатлари давлат мақсадли жамғармаларисиз 130 триллион 265,1 миллиард сўмини ташкил этиб, аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 95,8 фоиз ёки ЯИМга нисбатан 25,1 фоиз бўлган.

Хисобот даврида маҳаллий бюджетлар даромадлар қисми прогнозга нисбатан 120 фоизга бажарилган ёки 25 триллион 495 миллиард сўмини, харажатлар қисми эса режага нисбатан 104 фоизга ижро этилиб, 46 триллион 497 миллиард сўмини ташкил этган.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш бўйича ҳукумат томонидан бажарилган чора-тадбирлар натижада маҳаллий бюджетлар даромад кўрсаткичи 6 триллион 385 миллиард сўмга ортгани билан ижро этилган.

Бу эса, ўз навбатида, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва камбағалликни қисқартириш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имконини бериб.

Таъкидланганидек, хисобот даврида ижтимоий соҳага Давлат бюджетидан 64 триллион 38 миллиард сўм ёки умумий харажатларнинг 49,2 фоизи миқдорда маблағ ажратилган.

Сенаторлар хисобот даврида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида ягона газна ҳисобварағининг ишончли ва барқарор ишлаши ҳамда инсон омили аралашувини қисқартириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигига эътибор қаратди.

Молия вазирлигига бюджетдан маблағ олувчи вазирлик ва идоралар билан биргаликда ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш устидан таъсирчан назорат тизимини ўрнатиш, бюджет маблағларининг натижадорлигини таъминлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий этиш мақсада мубофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан бюджет харажатлари устидан назоратни кучайтириш мақсадида вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан расмий веб-сайтларда бюджет маблағлари харажатлари, бюджет очиклигини таъминлаш юзасидан тегишли маълумотларни жойлаштириш зарурлиги билдирилди.

Бундан ташқари, аҳолини ташвишга солаётган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, жумладан, Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантириш, улардан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича маълумотларни расмий веб-сайтта, жумладан, “Очик бюджет” ахборот порталига жойлаштиришни доимий назорат қилиш лозимлиги таъкидланди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини кучайтириш зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Давлат бюджетининг 2021 йил тўққиз ойдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар томонидан “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонуннинг асосий мақсади 2021 йилда қабул қилинган дастурлар ва қарорлардаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш ва уларнинг молиялаштириш манбаларини аниқлашдан иборат.

Қонун билан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларига ўзгаришлар киритилмоқда.

Жумладан, давлат мақсадли жамғармалари даромадлари прогнози ҳамда харажатлари, шунингдек, республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари оширилмоқда. Шу мақсадда Фуқаролар ташаббуси жамғармасида шаклланган миқдори 1 миллиард сўмгача бўлган ҳамда келиб тушган тақлифлар сони 100 тадан ортиқ бўлган туманларга (шаҳарларга) республика бюджетидан қўшимча 117 миллиард 400 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш учун Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятларига қўшимча 300 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, шу жумладан, инфратузилма объектларини қуриш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қўшимча 200 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.

Бундан ташқари, давлат ва ҳамаият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан ҳисмоний ва юридик шахсларга етакчилар зарарларни қўллаш бўйича марказлаштирилган жамғармага қўшимча 50 миллиард сўм трансфертлар йўналтирилмоқда.

Қонуннинг маъқулланиши республика бюджетидан маблағ ажратиш, маҳаллий бюджетлардан ушбу мақсадларга сарфланиши назарда тутилган маблағларни ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириш имконини яратди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг ялпи мажлисда “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонун муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун билан 2022 йил учун асосий макросиқтисодий кўрсаткичлар ва консолидацияланган Давлат бюджетни даромадлари ва харажатларининг прогнозлари ҳамда 2023-2024 йиллар учун бюджет белгиланмоқда.

Асосий эътибор макросиқтисодий барқарорликни таъминлаш, Давлат бюджетни харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлиги ҳамда иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини ошириш, инвестициялар жалб этувчанлик ва ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ сиёсатини таъбиқ этиш мақсадларига қаратилган.

Шунингдек, қонунни ишлаб чиқишда 2022 — 2026 йиллардаги солиқ ва бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш, “натижага қаратилган бюджет” тизимини жорий этишга ва бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулиятини ошириш таъминлигига қатъий риоя қилинган.

Қонунда солиқ сиёсатида муҳим ўзгаришлар киритилган. Бунда ялпи ички маҳсулотда салмоқли улушга эга ишлаб чиқариш соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш назарда тутилган.

Жумладан, 2022 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари 6,0 фоизни, шу жумладан, саноатда 7,0 фоизни, қурилиш соҳасида



8,1 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 3,3 фоизни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг консолидацияланган бюджетни тақчиллигининг чекланган миқдори 2022 йил учун ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдорда белгиланмоқда.

Бунда бюджет тақчиллигининг чекланган миқдоридан ошшишга олиб келиши мумкин бўлган қўшимча харажатлар фақатгина қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилиши назарда тутилган. Инфляция даражасининг пасайиши тенденцияси давом этиши ва келгуси йилда у 9 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Қонун билан биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчилар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан маблағ олувчи қўйи ташкилотларга ўзларига ажратилган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларининг 10 фоизгача қисmini Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йўналтиришга ҳақиқи эканлиги белгиланмоқда.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик давлат дастурларини ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида чет эл манбаларидан грант асосида ажратилган маблағларнинг биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилиши белгиланган миқдорларини ушбу қонунга ўзгариш киритилмасдан қўлайлиги назарда тутилмоқда.

2022 йилда консолидацияланган бюджет даромадлари 254,6 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 30,3 фоизи даражасида прогноз қилинмоқда. Давлат бюджетни даромадлари 199,5 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 23,8 фоизи миқдорда белгиланмоқда.

Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари 31,9 триллион сўм, харажатлари эса 58,7 триллион сўм миқдорда режалаштирилган.

Бундан ташқари, Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага, хусусан, таълим соҳаси харажатларига 46,9 триллион сўм, соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларига 22,8 триллион сўм, маданият ва спорт соҳаси харажатларига 3,4 триллион сўм ва фанни янада ривожлантириш тадбирлари учун 1,5 триллион сўм йўналтириш белгиланмоқда.

Қонун билан қўп қавратилай уй-жой фондида тузаш ҳудудларни таъмирлаш харажатлари ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи исоқлик таъминоти ташкилотларининг исоқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш харажатларини Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетни, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириш тартиби жорий қилинмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Бюджетни шакллантиришда маҳаллий Кенгашлар ваколатлари янада кенгайтирилиши муносабати билан мамлакатимизнинг барча туманларида (шаҳарларида) тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Бундан ташқари, туманлар (шаҳарлар) бюджетлари қўшимча маблағларининг камиди 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ҳам йўналтирилади.

Жумладан, қонунда Фуқаролар ташаббуси жамғармасига 1 триллион 553 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратиш назарда тутилган.

Сенаторлар таъкидланганидек, Давлат бюджетни маблағларидан адолатли ҳамда мақсадли фойдаланиш устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим.

Сенат аъзолари томонидан мазкур қонун маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни муҳокама этдилар.

Таъкидланганидек, Солиқ кодексига солиқ юқини қисқартириш ва солиқ маъмуриятчилигини тақчиллаштириш бораосидати қатор янги нормалар киритилмоқда.

Хусусан, қўшилган қиймат солиғининг (ҚҚС) яхлит занжирини таъминлаш ҳамда маҳсулот (хизматлар) танарҳи ва фойда суммасини ҳисоблашда ҳаттоликларнинг олдини олиш мақсадида бюджет ташкилотларидан ташқари ҳисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳам ҚҚС объекти сифатида белгиланмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини асосий воситалар ва асбоб-ускуналарни доимий янгиллашга рағбатлантириш учун солиқ мақсадларига асосий воситаларни қайта тиклашга ҳисобланадиган амортизация ажратмалари нормалари миқдорларининг оширилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, инновация ҳамда ички ва ташқи инвестициявий фаолиятни рағбатлантириш мақсадида қўшимча “инвестициявий чегирма” нормаси киритилмоқда. Шунингдек, “илимий тадқиқотларга ва (ёки) таъриб-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлар”ни ҳисобга олиш халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда.

Фаолият шаклидан қатъи назар, солиқ тўловчиларнинг барча тоифаси учун соф фойдани солиққа тортишнинг ягона шарт-шароитларини яратиш мақсадида норезидентларнинг республика ҳудудида оладиган дивидендлари ҳамда хорижий инвесторлар киритган инвестициялардан дивиденд ва фойз қўришидаги даромадларидан солиқ тўлаши тартиби киритилмоқда.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ешларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаолиятини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони талабларидан

келиб чиқиб, ёш оила томонидан олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фойзаларни эр-хотин ёки улардан бирининг ёши белгиланган ёшдан ошгунига қадар ҳар бир солиқ даври давомида тегишли миқдорда қўллашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳисмоний шахслардан олинмадиган даромад солигидан озод қилиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун белгиланган имтиёз қўшимча равишда уларга давлат томонидан ажратиладиган уй-жойлар бўйича улар 23 ёшга тулгунча қадар амал қилиши белгиланиб, мол-мулк солиғидан озод этилмоқда.

Бюджетта солиқ тушумларининг тўлиқлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромад базасини ошириш, шунингдек, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш мақсадида биноларга мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун минимал қиймат белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, товар ва маҳсулот кузатишнинг тўлиқ тизимини яратиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ҳисоббарқа-фактура ёки назорат-касса машинаси чеклариди ҳўжалик йўритувчи субъект амалга оширадиган фаолият тури ва хусусияти ёки харид қилинган товарлар (хизматлар) номенклатурасига мос келмайдиган идентификация кодларини акс эттириш ҳолатлари бўйича жарима белгиланмоқда.

Қонун билан мулк солиғи, ер солиғи ставкалари ва имтиёзлари бўйича ўзгаришлар, фойдала қазилмани қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳажми ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ, фойдала қазилмаларнинг айрим турларига нисбатан солиқ базасини аниқлашнинг ўзига ҳо хусусиятлари, фойдала қазилмаларни қазиб олишда маҳсул рента солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш бўйича қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу қонун ҳам маъқулланди. Шундан сўнг “Бюджет жараёни тақчиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, “Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини ташқи аудитдан ўтказиш ва баҳолаш тизими жорий этилиб, қонунда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини шакллантириш ва уларни ижро этиш тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни Ҳисоб палатаси томонидан ҳар йили ташқи аудитдан ўтказиш ҳамда баҳолаш тизими жорий этилмоқда.

Бюджет кодексида Ҳисоб палатасининг ваколатлари ҳам кенгайтирилиб, у Давлат бюджетни тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари бўйича эса тегишлинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида хулоса тақдим этиши белгиланмоқда.

Шунингдек, қонун билан вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари консолидацияланган бюджет таркибига киритилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг консолидацияланган бюджетни маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган, аммо унинг таркибига кирмайдиган жамғармаларни ташкил этишга йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда.

Қонуннинг маъқулланиши бюджет жараёнининг очиклиги, тўлиқлиги ва халқаро стандартларга мослигини таъминлашга қўмақлашда ҳамда бюджет жараёни устидан жамоатчилик назоратни кучайтиришга иқибий таъсир кўрсатади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Ялпи мажлисда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижро этилишининг бориши ҳам кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, сўнгги йилларда Оролбўйи минтақасида инвестициялар жалб этувчанлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, Орол денгизининг экологик ҳалокати оқибатларини юмшатиш бораосида мисли қўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Сенаторлар Президентимиз томонидан охириги бир йил мобайнида мазкур ҳудуд бўйича 5 та Фармон ва қарор қабул қилинганини, ушбу ҳужжатларда Қорақалпоғистонда ижтимоий-иқтисодий тармоқларни тўбдан ислох қилиш, хорижий ва маҳаллий инвесторларни кенг жалб қилиш назарда тутилганини алоҳида эътироф этди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4889-сонли қарорига мувофиқ 1 минг 359 та лойиҳа доирасида 12 триллион 259,1 миллиард сўмлик кенг қўламли ишлар амалга оширилиши ва 17 минг 259 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган.

Сенат томонидан қатъий парламент назорати ўрнатилиши натижада, шунингдек, жойларда олиб борилган сазъ-ҳаракатлар, юзага келган муаммоларга жойида ечим топиш бораосида қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида қиймати 8 триллион 846,2 миллиард сўмлик 1 минг 65 та (78 фоиз) лойиҳа ишга туширилган ҳамда 8 минг 372 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Шунингдек, 46 та лойиҳа муддатидан олдин ишга туширилиб, 239 та янги иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, йўл, муҳандислик-коммуникация инфраструктураси объектларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича 201,3 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилган ҳамда 79 та ижтимоий соҳа объектида 233,3 миллиард сўмлик ишлар бажарилган.

Ижтимоий-иқтисодий шароити оғир тоифага киритилган 45 та маҳалла ва овулда хизмат кўрсатиш соҳасида янги 74 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилинган, барча маҳалла фуқаролар йиғинларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган.

Сенаторлар амалга оширилаётган ишлар натижасида аҳоли турмуш даражаси ошаётгани, янги иш ўринлари яратилаётгани, аҳоли даромадлари кўпайётгани билан бирга айрим муаммолари масалалар мавжудлигини ҳам қайд этдилар.

Хусусан, 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган 124 та лойиҳа ишга тушириш муддатини ўзайтириш зарурати вуқудга келган.

Қораўзак туманида қиймати 3 миллиард сўм ва Қўнғирот туманида қиймати 5,5 миллиард сўм бўлган автомобилларга сиклган газ қўйиш шохобчаларини ташкил этиш лойиҳаларига Энергетика вазирлиги томонидан рўхсатнома тақдим қилиш муддати кечиктирилмоқда.

Қораўзак туманида вермикулит қазиб олишни кенгайтириш ва уни қўқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати 8,9 миллиард сўмга тенг 3 та лойиҳа юзасидан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасидан лицензия олиш учун ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилмаган.

Худудда амалга оширилаётган 555,5 миллион долларга тенг бўлган 5 та лойиҳа бўйича ишлар охирига етказилмаган, 280,3 миллион доллар ҳажмидаги 13 та лойиҳа бўйича ишларни жадаллаштириш лозим.

Шу билан бирга, “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси бўйича жорий йилда режалаштирилган 56,2 миллион долларга тенг кредит маблағларининг атиги 21,32 миллион доллари ўзлаштирилган.

“Ўзбекистоннинг Фарбий қисмида ичимлик суви таъминоти тизимларини ривожлантириш” лойиҳаси бўйича Нукус, Беруний, Мўйноқ, Қўнғирот, Қораўзак ва Амударё туманларидаги сув иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун жорий йилда ўзлаштирилиши режалаштирилган 21,9 миллион долларга тенг маблағнинг 1,7 миллион доллари ўзлаштирилган, холос.

Муҳокамалар якунида Сенатнинг мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳал этиш, чора-тадбирлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш бораосида тутилган тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар томонидан “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги қонун муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, узок йиллар давомида трансплантация йўналиши бўйича қонунчилик асослари яратилмагани трансплантологиянинг клиник фан сифатида тўхтаб қолиши ва аҳолига қаратилган қўн сонли беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконияти йўқотилишига олиб келди.

Ушбу вазият баъзи беморларни бу турдаги амалиётларни қийматлигига қарамай, чет эл тиббиёт муассасаларида ўтказишга мажбурламоқда. Улар чет элларда давоиланишга турли машаққатлар, қатта миқдордаги молиявий харажатлар, хорижга сарфари давомида чет тилларида сўзлашиш билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келимоқда.

Маълумки, инсоннинг жуфт бўлмаган аъзоларини (юрак, жигар, ошқозоноти бези ва бошқа аъзолар) фақат мурдадан олиш имконияти мавжуд. Трансплантация муваффақиятли ўтиши учун трансплант, яъни олиниши мўлжалланган органини ўлим констатацияси амалга оширилган захоти трансплантнинг кўйинчилик нормал фаолият қилишига тўқсунлиқ қилувчи ҳолатлар юзага келишидан олдин мурдадан олиш лозим бўлади.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш, фуқароларимизга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш қўламини кенгайтириш ва ўта оғир беморларнинг тўлақонли ҳаётга қайтишига имкон яратиш мақсадида ушбу қонун ишлаб чиқилди. Уни ишлаб чиқишда Германия, Польша, Россия, Беларусь, Украина, Молдова ва АҚШ каби давлатларнинг трансплантацияга таалуқли қонунчилиги ўрганилди.

Қонун трансплантацияни амалга ошириш мақсад ва шартлари, трансплантация объектлари, донорлар доираси (тирик ва ўлганлар), донор ва реципиентнинг ҳуқуқлари, тирик ва ўлган донорлардан аъзо ва тўқималарини олиш шартларини белгилаб беради.

Қонуннинг қабул қилиниши соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига қаратилган давлат сиёсатининг амалдаги қонунчилик асосларини тўлдиришга имкон яратади. Бундан ташқари, касалланиш ва аъзолардаги қайтариб бўлмайдиган жараёнлар тўғрисидаги ўлимга олиб келувчи ҳолатларни қисқартиришга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шунингдек, сенаторлар ялпи мажлисда “Ешлар билан ишлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим

қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни ҳам муҳокама қилдилар.

Кайд этилганидек

